



## АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

**Юлчиев Баҳодиржон Собирович**

Янгиҳаёт тумани ИИО ФМБ терговчиси

**Курамбаев Тохир Хосинбаевич**

ИИБ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166467>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Жиноят иши, айбсизлик презумпцияси, исбот, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, суд-тергов, конституцион ҳуқуқ, айбсиз шахс.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада жиноят содир этганликда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахсининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, айбсизлик презумпциясининг аҳамиятли жиҳатлари, шунингдек қонунчиликдаги ва суд-тергов амалиётида уни қўллаш жараёнида келиб чиқаётган айрим муаммоли ҳолатлар ҳамда ушбу муаммоларнинг ечими сифатида асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Таниқли маҳаллий ҳуқуқшунос А.Ф. Кони: “Шубҳа билан курашиш ва уни мағлуб этиш керак ёки у билан мағлуб бўлиш керакки, охир-оқибат, ҳеч иккиланмасдан ва хижолат бўлмасдан, “айбдор” ёки “айбсиз” деган ҳал қилувчи сўзни айтиш мумкин”. [1] Бизнингча, бу сўзлар адолатнинг асосий тамойилларидан бири, яъни “Айбсизлик презумпцияси” тамойилини жуда тўғри тавсифлайди.

Айбсизлик презумпциясини белгилаш масаласида олимларнинг фикрлари ўрганилганида, сезиларли фарқлар мавжудлиги, жумладан, баъзилар бу қонунчилик фақат жиноят процессида айбланувчига нисбатан қўллайдилар, бошқалари айбсизлик презумпцияси гумон қилинувчига ҳам тегишли деб ҳисоблайдилар, учинчи гуруҳ олимлар эса айбсизлик презумпцияси ҳуқуқнинг барча соҳаларида амал қилиши керак бўлган умумий ҳуқуқий тамойил, деган фикрни илгари сурадилар.

Бу бўйича халқаро ва миллий қонунчилик нормалари ўрганилганида, уларда ҳам айбсизлик презумпцияси тушунчаси турли мазмундалигини кўриш мумкин.

Чунончи, Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида “Жиноятни содир этишда айбланаётган ҳар бир шахс ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга бўлган очиқ суд муҳокамасида қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақли”, деб кўрсатилган бўлса [2], Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-қисми 6-моддасида эса “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс, унинг айби қонун билан исботланмагунча айбсиз ҳисобланади” [3], деб қайд этилган. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари Африка Хартиясининг 7-моддаси 1-қисмининг “б”



бандида “ҳар бир инсон айбдорлиги ваколатли суд томонидан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиш ҳуқуқига эга”, - эканлиги кўрсатилган [4].

Шу билан бирга бир қатор ривожланган давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги таҳлил қилинганида, уларда ҳам айбсизлик презумпцияси тушунчаси тўғрисида айрим тафовутлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 14-моддасида “Айбланувчининг жиноят содир этишдаги айби жиноят-процессуал Кодексида белгиланган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланмагунча айбсиз ҳисобланади [5], деб кўрсатилган бўлса, Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 15-моддасида “Суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ҳеч ким жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланмайди” [6], деб белгиланган. Молдавия Республикаси ЖПКнинг 15-моддасида эса “Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар қандай шахс унинг айби ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда очиқ суд муҳокамаси орқали исботланмагунча, шахсни ҳимоя қилиш учун барча зарур қафолатлар берилмагунча ва унинг айби суд томонидан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади” [7], деб қайд этилган.

Шубҳасиз, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги айбсизлик презумпциясининг барча тавсифлари бир-бирига мос келмайди, бу эса айбсизлик презумпцияси муддатини белгилашни қийинлаштиради.

Бироқ, юқоридаги барча норматив ҳужжатларнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, айбсизлик презумпциясининг таърифларида умумий хусусиятлар мавжуд деб ҳисоблаш мумкин, жумладан:

- 1) барча хатти-ҳаракатлар у ёки бу тарзда, шахсни айбсиз деб ҳисоблашдан иборат бўлган ушбу қоидани ифода этади, то бунинг акси белгиланган тартибда исботланмагунча;
- 2) айбсизлик презумпциясининг барча таърифлари юридик жавобгарлик пайдо бўладиган ҳаракатларга тааллуқлидир;
- 3) барча таърифларда, гарчи турли контекстларда бўлса-да, айбсизлик презумпцияси субъекти сифатида жазоланиши мумкин бўлган қилмишни содир этганликда гумон қилинган шахс назарда тутилади.

Бироқ, айбсизлик презумпциясининг таърифларида ўхшашликларга қараганда кўпроқ фарқлар мавжуд.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қонунларни таҳлил қилиш асосида, иккита масала юзага келади. **Биринчи масала айбсизлик презумпцияси айнан қандай процесс иштирокчиларига нисбатан қўлланилиши бўлса, иккинчи масала эса айбсизлик презумпцияси айнан қайси орган томонидан ёки қайси ваколатли мансабдор шахс томонидан қўлланилишини аниқлаш муҳимдир.**

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисмида айбланувчи айбсизлик презумпциясининг субъекти сифатида кўрсатилган. “Айбланувчи” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 45-моддаси билан тартибга солинади, унга кўра шахс ушбу Кодексида белгиланган тартибда



айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилгач айбланувчи деб ҳисобланади. Шундай қилиб, агар биз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисмини сўзма-сўз талқин қиладиган бўлсак, айбсизлик презумпциясининг таъсири айбланувчининг процессуал мақомига эга бўлмаган қонунга хилоф хатти-ҳаракатни содир этганликда гумон қилинган бошқа шахслар доирасига нисбатан қўлланилмайди, деган маъно-мазмун келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги кундаги суд-тергов амалиётидан келиб чиқадиган бўлсак, суриштирувчи ва терговчилар томонидан айбсизлик презумпцияси нафақат айбланувчига, балки гумон қилинувчига нисбатан ҳам қўлланилиши кўп кузатилишини кўришимиз мумкин.

Фикримизнинг далили сифатида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси “ҳар бир шахс” атамаси ёрдамида ўз таъсирини жинси, ирқи, фуқаролиги ва бошқалардан қатъи назар, аниқланмаган шахслар доирасига ўз таъсирини кўрсатади ва бу ҳолат ҳар қандай шахсга айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон беради. Шу билан бирга, ушбу нормада “жиноят содир этишда айбланувчи” шахсга ишора қилиш, айбсизлик презумпциясининг доираси жиноят процессининг аниқ иштирокчиси - айбланувчига нисбатан торайтирилган деган фикрга олиб келади. Бизнинг фикримизча, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қўлланилган “субъект” сўзининг таърифи “Жиноят содир этишда айбланган ҳар бир шахс...” - маълум бир йиғма тушунчани назарда тутди - яъни қонунга бўйсунуши ваколатли органлар ва мансабдор шахслар ўртасида шубҳа туғдирадиган шахс назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 6-моддаси 2-қисмига биноан, айбсизлик презумпциясининг таъсири “жиноятда айбланган ҳар бир шахсга” эмас, балки тўғридан-тўғри “... жинойи ҳуқуқбузарликда айбланувчи ...” га тааллуқлидир (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида бўлгани каби) ва бу таъриф янада аниқроқ бўлиб кўринади. Бу шуни кўрсатадики, ушбу қоида, биринчи навбатда, жиноят процесси соҳасига тааллуқлидир ва шунинг учун бу ҳолат уни бошқа ҳуқуқ соҳаларига ҳам кенгайтириш тахминини истисно қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мавжуд бўлган айбсизлик презумпциясининг таърифида бўлгани каби, Конвенцияда ҳам гарчи гумон қилинувчи ҳам жавобгарликка тортилса-да, бу ҳақида эслатилмаган.

Шунга эътибор қаратамизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт аслида у кимга тегишлилига нисбатан қараганда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция қоидаларини тақрорлайди.

Бундан ташқари, иккала таъриф ҳам фақат жиноят процессининг иштирокчиси сифатида “айбланувчи” га нисбатан қўлланилади, аммо гумон қилинувчига нисбатан қўлланилмайди, фикримизча, бу ўзига нисбатан жиноят иши олиб борилаётган ҳар бир шахснинг айбсизлик презумпциясига нисбатан бўлган ҳуқуқига зид ҳисобланади.



Юқорида қайд этилган таърифларни таҳлил қилиш натижасида, улар айбсизлик презумпциясига бўйсунадиган шахслар доирасини аниқлаш нуқтаи назаридан бирликка эга эмаслиги кўринади. Хусусан, бу айбсизлик презумпциясининг умумий ҳуқуқий мазмунга эга бўлиши ва фақат жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли эканлиги билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, жиноят-процессуал қонунчилигимизда мустаҳкамланган айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қоида жуда муайян шахслар доирасига, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан айбсизлиги шубҳа туғдирадиган шахсларга нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга, айбсизлик презумпциясини фақат гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан кенгайтириш етарли эмасдек кўринади, чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 45 ва 47-моддаларига кўра, “гумон қилинувчи” ва “айбланувчи” тушунчаларига жиноят содир этишга алоқадорлигини исботлаш учун тергов ҳаракатлари олиб борилаётган шахслар кирмайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасини ҳам шарҳлаш зарурати пайдо бўлади. Зеро, ушбу моддада гумон қилинувчи процессуал мақомдаги шахсга жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. [8] Мазкур нормадан қуйидагича тушунчалар пайдо бўлиши мумкин:

- 1) шахсни жиноят содир этганлиги ҳақида шубҳали маълумотлар мавжуд, бироқ уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун етарли эмаслиги;
- 2) жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, шахсни олдин гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этиш лозимлиги;
- 3) шахс кейинчалик айбланувчи тариқасида иштирок этилиши.

Тергов амалиётида бир қатор ҳолларда суриштирувчи, терговчилар жиноят ишини тергов қилишда дастлабки тергов жараёнида қаршилиқларга дуч келмаслиги учун процессуал мажбурлов чораларини қўлламайди ҳамда шахсни айбланувчи сифатида жалб қилмайди ва гумон қилинувчи шахсни охириги дақиқагача хабардор қилмайди. Гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши учун етарли асослар мавжуд бўлган шахс жиноят иши материалларида гувоҳ сифатида намоён бўлади ва фақат дастлабки терговнинг якуний қисмида, шахснинг айбини тасдиқловчи барча материаллар тўплангандан сўнг, терговчи, суриштирувчи томонидан гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинади ҳамда заруратдан келиб чиқиб процессуал тартибда ушланади. Шу билан бирга, ўзига нисбатан дастлабки тергов ўтказишнинг бундай схемаси қўлланиладиган шахс, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчи мақоми берилгунга қадар бевосита жиноий жавобгарликка тортилади.

М.К.Нуркаеванинг фикрига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарор қабул қилишда ҳам “расмий” эмас, балки “айбланувчи” тушунчасининг “мазмундор” тушунчасидан келиб чиқади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 6-моддаси 2-банди нуқтаи назаридан ва бунинг мақсадлари учун “айбланувчи” деганда жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир шахс, яъни айбсизлиги шубҳа остига



қўйилган ҳар бир шахс тушунилади. Айбловнинг аниқ ҳаракатлари ва қарорлари билан айбсизликни шубҳа остига қўядиган томонлари шубҳа остига олинади.

Юқорида норматив ҳуқуқий ҳужжатларда баёни келтирилган ҳамда олимлар томонидан берилган фикрларнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят процессида айбсизлик презумпцияси ўз таъсирини жиноий таъқиб этилаётган барча шахсларга, ушбу шахслар гумон қилинувчи ёки айбланувчи мақомига эга бўлишидан қатъи назар кўрсатади, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал Кодексида мустаҳкамланган айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қонун сўзма-сўз талқин қилиш мумкин эмас. Биз тадқиқотимиз давомида айбсизлик презумпциясининг фақатгина айбланувчига тегишли деган қисмини кенгайтириш кераклиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўйлаймизки, қонун чиқарувчи “айбланувчи” атамасини қўллашда жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва унинг бунга алоқадорлигини исботлаш учун процессуал ҳаракатлар олиб борилаётган жамоавий субъектни назарда тутган. Шу муносабат билан, айбсизлик презумпциясининг таърифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддаси 1-қисмида назарда тутилганлигини тарғиб қилувчи олимларнинг фикрига қўшилиш мумкин.

Айбсизлик презумпцияси концепциясининг бир хил даражада муҳим элементи бўлиб шундай таъриф хизмат қиладики, унга кўра шахс ёки “... айбсиз ҳисобланади..”, ёки “...айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга бўлади..”.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинган иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда “...айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга...” деган ибора қўлланилган. И.Н.Кондрат ушбу масала бўйича “Айбланувчининг ўзи суд қарорини кутиши ёки жабрланувчи билан ярашиш ва шу билан қилмиш учун ўз айбига иқдор бўлишини белгилайди”, деган иборани қўллаш мақсадга мувофиқ деган фикрни билдиради.

Бироқ, кўринишидан, ички қонунчиликда, бошқа нарсалар қаторида назарда тутилган бошқа ибора, яъни “...айбсиз ҳисобланади ...” деб ифодаланган таъриф - янада соддароқ, чунки ҳимоя томони ҳам, айблов томони ҳам айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланишни рад этиш имкониятига эга эмас. Айблов томонининг иштирокчилари (суриштирувчи, терговчи, прокурор), шунингдек суд ўз хоҳишига кўра айбланувчини ёки гумон қилинувчини айбсизлик презумпциясидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади. Бундан ташқари, айбланувчи, гумон қилинувчи ҳам ушбу қонундан рад этиш имкониятига эга эмас, чунки давлат ва қонун уни айбсиз деб ҳисоблайди. Бу билан тергов ва суриштирув ўтказиш ва айблов функциясини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар томонидан айбланувчига, гумон қилинувчига таъсир ўтказиш учун турли хил (маънавий-психологик, ҳам жисмоний) манипуляцияларни амалга ошириш истисно қилади. Натижада тергов ва суриштирувни холис ва ҳар томонлама ўтказиш учун шарт-шароитлар қонун томонидан таъминланади.



Турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган айбсизлик презумпциясини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларда ҳам айбни аниқлаш тартибини белгилаш нуқтаи назаридан фарқлар мавжуд.

Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга кўра - айбдорлик "...қонун билан ..." белгиланади ва юқорида келтирилган барча бошқа актларда " ...шахснинг айби қонунга мувофиқ исботланиши керак..."

Қонун чиқарувчи ва бир қатор олимларнинг жиноят содир этишда шахснинг айби исботланиши зарурлигини таъкидлайдиган позицияси ўринли кўринади. Исботлаш атамаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш учун далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат. Айбсизлик презумпциясининг таърифида айбни аниқ исботлаш доирасида аниқлаш талабининг йўқлиги жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқишда бўшлиқларга олиб келиши муқаррар. Мисол учун, агар айбланувчи унга қўйилган айбловга рози бўлса, турли сабабларга кўра ўзини-ўзи айблаган тақдирда (ҳам манфаатдор шахслар томонидан бегона таъсир туфайли, ҳам шахсий сабабларга кўра ихтиёрий равишда ўз-ўзини айблашда) ва айбни исботлаш мажбуриятининг йўқлиги, жиноят ишининг мақсадига эришилмаслигига, шахсий ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келади.

Шу билан бирга, айбсизлик презумпцияси айбланувчининг айби нафақат исботланиши, балки аниқланишини ҳам талаб қилади. Бироқ, айбсизлик презумпциясини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу масалани ҳал қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд:

- 1) айбдорлик суд томонидан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси);
- 2) айбдорлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади (Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт);
- 3) айбдорлик ишни кўриб чиққан судья, орган, мансабдор шахснинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси).

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ айбдорлик суд томонидан белгиланади. М.С.Строговичнинг фикрига кўра "Терговчи, прокурор айбланувчини, шунингдек, у ёки бу ишда манфаатдор бўлган бошқа шахсларни айбдор деб топиши мумкин. Лекин бу уларнинг субъектив фикри бўлиб, бу расмий давлат баҳоси эмас". [9] Айбсизлик презумпциясининг маъноси ҳам қуйидагича очиқ берилади, деб ҳисоблаган: "қонун айбланувчини айбдор деб ҳисоблаганлар унинг ҳақиқатан ҳам айбдорлигини исботламагунча уни айбсиз деб ҳисоблайди ва бу ҳулосага суд ўз ҳукмида рози бўлади".

Айтиш мумкинки, шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарор ёки айблов ҳулосаси каби процессуал ҳужжатларда шахс айбдор деб топилади, лекин бу



шахснинг давлат номидан умуман айбдор деб тан олиншини англамайди. Бу ҳужжатлар терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг тергов ва суриштирув натижалари, жиноят иши материаллари билан танишиш натижалари асосида ишлаб чиққан субъектив фикрини акс эттиради. Бундан ташқари, терговчи, суриштирувчи, прокурор айблов хулосасини (айблов далолатномасини) тузиш ва уни тасдиқлаш вақтида айбдорлик презумпциясидан - шахснинг айбдорлиги ҳақидаги тахминдан келиб чиқади ва бу тахмин уларда тергов ва суриштирув натижалари, жиноят иши материалларини ўрганишга мувофиқ шаклланади. Аммо бошқа ҳеч нарса эмас, балки фақат қонуний кучга кирган суд ҳукми, давлатнинг шахснинг айби ёки айбсизлиги масаласи бўйича расмий позициясини кўрсатади ва агар айбдорлик бошқа процессуал ҳаракатларда аниқланса, мумкин бўлмаган жиноят-ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қонданинг маъносига ҳам эътибор қаратиш лозим. Биз ушбу қонданинг ички қонунчиликда мустаҳкамланганлиги туфайли айбланувчи, гумон қилинувчи, ҳеч нарсага қарамай, суд унга қарши айблов ҳукми чиқарилгунга қадар айбсиз шахс мақомини сақлаб қолишга муваффақ бўлаётганини кўрамиз ва буни объектив ҳуқуқий позиция деб характерлаш мумкин.

Ўз вақтида В.И.Каминская таъкидлаганидек, айбсизлик презумпциясининг аҳамияти шундаки, у авваламбор, бу иш бўйича ҳақиқатни топишнинг зарурий шарти ҳисобланади. [10] Айнан шу нарса моҳиятан ҳақиқатнинг ошкор этилишига туртки беради, чунки унда айбланувчининг айби исботланиши зарурлиги ва бунга эришилгунга қадар ҳеч ким айбдор деб топилмаслиги зарурий талаб сифатида ифодаланган. Бундай талабни процессда айбланувчининг мавқеини енгиллаштиришга бўлган либерал истак билан изоҳлаб бўлмайди. Унинг асосий мақсади ишни тергов қилаётган шахснинг фикри ва фаоллигини масалани ҳар томонлама кўриб чиқишга қаратишдан иборат.

Ваколатли суд органлари томонидан бошқачаси исботланмагунча ва қонуний асосда белгиланмагунча, давлат, жамият фуқарони виждонли, ҳурматли деб билади. Айбланувчи сифатида иштирок этаётган шахс жамиятда жинойий бўлмаган шахс мавқеини эгаллайди. У жиноят содир этишда фақат айбланган. Айбсизлик презумпцияси тамойилига кўра, унга нисбатан жиноятчига нисбатан рухсат этилган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш қўлланилиши мумкин эмас. Айбланувчи қамоқда сақланаётганда уй-жой ҳуқуқини, сайловда иштирок этиш ҳуқуқини сақлаб қолади, уни ишдан бўшатиш ёки таълим муассасасида ўқувчилар сафидан чиқариш мумкин эмас. Айбланувчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан рухсат этилган барча чеклашлар фақат ҳақиқатан зарур бўлганда ва тегишли тартибда қўлланилиши керак. Бу тамойил инсоннинг ҳокимиятга қарши туришида, шахс ва давлат ўртасидаги низода аниқ тенг бўлмаган кучларни мувозанатлаш, тенглаштиришга ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, айбсизлик презумпцияси, агар тўғри тушунилса ва қўлланилса, жинойий ишларни тергов қилиш ва ҳал қилишда бирёқламачилик, айбловнинг бир ёқлама ёндашувини истисно қилади, фуқароларни шунчаки гумон, таассурот, олдиндан бичиб тўқилган фикр асосида судланувчи сифатида жалб этишга шошилиш, ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилишга йўл қўймайди. Бу шахсларга нисбатан



эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади, уни вазиятларнинг тасодифий қўшилиб кетиши, ёлғон тухмат, тасдиқланмаган шубҳа билан жалб қилишдан ҳимоя қилади. [11]

Юқорида билдирилган фикрларнинг чуқур таҳлили эса айбсизлик презумпциясига нисбатан қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш имконини берди:

***Айбсизлик презумпцияси бу муайян бир содир этилган жиноятга алоқадорлиги жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун нормалари асосида текширилаётган (жиноий таъқиб қилинаётган) ҳар бир шахс унинг текширилаётган жиноятнинг содир этилишидаги айби ваколатли орган мансабдор шахси томонидан исботланмагунча ёки бу суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз ҳисобланади.***

Демак, айбсизлик презумпциясининг жиноят-процессуал тамойилини ташкил этувчи айбсизлик презумпцияси ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар жиноят ишлари бўйича тортишув жараёнида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминловчи далил асоси ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг энг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- а) айбсизлик презумпциясининг муайян бир содир этилган жиноятга алоқадорлиги жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун нормалари асосида текширилаётган ҳар бир шахсга нисбатан таъсири;
- б) шахс суд томонидан унинг объектив ҳуқуқий ҳолатини акс эттирувчи айблов ҳукми чиқарилгунга қадар жиноят содир этишда айбсиз деб ҳисобланади;
- в) жиноят содир этишда айбдорлик нафақат исботланиши, балки суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан ҳам аниқланиши керак.

Шунингдек, тадқиқотимиз натижалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал Кодексининг 47-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчи тушунчасига қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

***1) “Гумон қилинувчи муайян бир жиноят содир этганлиги тўғрисида шубҳали маълумотлар мавжуд бўлган ва жиноятга алоқадорлиги қонунчилик талаблари асосида ваколатли орган томонидан текшириш мақсадида процессуал ҳаракатлар амалга оширилаётган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.***

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал Кодексининг 23-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

***2) “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги ваколатда орган томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ҳамда қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади”.***

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, юқорида санаб ўтилган таклифларнинг амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши ҳозирги кунда суд-



тергов амалиётида мавжуд коллизияларни ҳамда тергов фаолиятида юзага келадиган тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

## References:

1. <https://kutubxona.samduuf.uz/download/1808>;
2. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” БМТ 1948 йил 10 декабрь. Электрон манба: <https://darakchi.uz/uz/84228>;
3. “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция”. Рим 1950 йил 4 ноябрь. Электрон манба: [https://nrm.uz/contentf?doc=371778\\_inson\\_huquqlari\\_va\\_asosiy\\_erkinliklarini\\_himoya\\_qilis\\_h\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\\_konvenciya\\_\(rim\\_1950\\_yil\\_4\\_noyabr\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=371778_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilis_h_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_konvenciya_(rim_1950_yil_4_noyabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)
4. И.М.Умарахунов Республики Узбекистан и международное права. Учебное пособие. Ташкент. Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2003 –С 194-195.
5. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/);
6. [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30594304](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30594304);
7. <https://lex.uz/uz/docs/4947843?query=%D0%96%D0%9F%D0%9A>;
8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Т-2023. “Адолат” нашр. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/111460>;
9. <https://tergov.uz/uploads/wanted/4d3ea6734855cd356830624660d1c179.pdf>;
10. [https://uza.uz/posts/aybsizlik-prezumpciyasi-sudlanuvchi-yaqin-qarindoshlariga-hech-qanday-huquqiy-tasir-korsatmaydi\\_472974](https://uza.uz/posts/aybsizlik-prezumpciyasi-sudlanuvchi-yaqin-qarindoshlariga-hech-qanday-huquqiy-tasir-korsatmaydi_472974);
11. Строгович М. С. Право обвиняемого на защиту и презумпция невиновности. - М.: Наука, 1984. - Б. 7475.